

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ

№ 11 (96)
2020

ISSN 2181-0816
WWW.LTPIJZ

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ОБЩЕСТВЕННЫЙ ЖУРНАЛ



СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

- ✓ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ
ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ КОНЦЕПЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ И ЭТИКИ ВОСПИТАНИЯ
- ✓ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯЛАР ТАРИХИ
ИСТОРИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ И ВОСПИТАТЕЛЬНЫХ КОНЦЕПЦИЙ
- ✓ КАСБИЙ ТАЪЛИМ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ
ДИСТАНЦИОННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ КАСБГА ЙЎЛЛАШ
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ
- ✓ ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ
ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ
- ✓ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ
НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ
- ✓ ОИЛА ВА МАКТАБ
СЕМЬЯ И ШКОЛА
- ✓ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ



Журнал Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти нашри.

Журнал Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда нашр этилмоқда.

МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

№ 11 (96), 2020

	ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ / ПСИХОЛОГИЯ СЕМЬИ
3	Шоумаров Г.Б., Палуанова З.Д. Факторы суицида и их особенности в Республике Каракалпакстан
14	Шаумарова З.А. Нотўлиқ оилада бола шахси шакллантиришнинг самарадорлиги ва ижтимоий-педагогик тизими
22	Ражабова Р.П. Вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқишига оилавий муҳитнинг таъсири
	ТАЪЛИМ - ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИНING ФАЛСАФИЙ ЖИХАТЛАРИ / ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ КОНЦЕПЦИЙ ВОСПИТАНИЯ И ОБРАЗОВАНИЯ
29	Тохириён А.Ш. Тарихий онг ва тарихий хотира шаклланишининг педагогик жиҳатлари илмий талқинда
39	Файзуллаева З.Б. Темурийлар даврида китоб ва китобхонликнинг исломий қадрият сифатидаги ўрни
	ОЛИЙ ТАЪЛИМ / ВЫСШЕЕ ОБРАЗОВАНИЕ
45	Исмоилова Г.А. Ўзбекистон тарихи таълими жараёнида талабаларда экологик маданиятни ривожлантириш
52	Каримов Қ.С. Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг "Тарихи Азийий" асарида қозилар фаолиятининг талқини
	ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ / ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ
60	Кадиров К.Б. Влияние моторной асимметрии на успешность обучения в юношеском возрасте
70	Бахриева Н.А. Мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий-ҳиссий ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари
	МАКТАБ ТАЪЛИМИ / ШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
77	Джуракулова А.Х. Математика ўқитиш жараёнида математик қонуниятларни топишга доир масалалар ечиш ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантириш воситаси сифатида
	ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИ / МЕНЕДЖМЕНТ В ОБРАЗОВАНИИ
83	Эшқобилов С.Қ. Умумтаълим мактаб директорларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмлари
90	МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ / СВЕДЕНИЯ ОБ АВТОРАХ

«Замонавий таълим» («Современное образование») журнали:

• Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2015 йил 20 мартдаги 214/2-сон қарори билан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган (13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ва 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича);

• **РИНЦ** маълумотлар базасига киритилган. — https://elibrary.ru/title_about.asp?id=57617

• **CyberLeninka** илмий электрон кутубхона базасига киритилган. — <https://cyberleninka.ru/journal/n/ekonomika-i-finansy-uzbekistan>

Журнал «Замонавий таълим» («Современное образование»):

• постановлением Президиума ВАК Республики Узбекистан от 20 марта 2015 года № 214/2 включён в перечень научных изданий, рекомендованных для публикации основных научных результатов докторских диссертаций (по 13.00.00 – ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ и 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ);

• входит в базу данных **РИНЦ** — https://elibrary.ru/title_about.asp?id=57617

• входит в базу научной электронной библиотеки **CyberLeninka**. — <https://cyberleninka.ru/journal/n/ekonomika-i-finansy-uzbekistan>

Бахриева Наргиза Ахмадовна,
Бухоро давлат университети "Психология"
кафедраси ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ҲИССИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

УДК 151.8

БАХРИЕВА Н.А. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ҲИССИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш ҳозирги кундаги муҳим педагогик-психологик муаммолардан бири саналади. Мақолада мактабгача ёшдаги болаларни махсус методика асосида ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тадқиқотнинг дастлабки натижа ва хулосалари келтирилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: ижтимоийлашув, ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш, эмоционал ривожлантириш, эмоционал тажриба, сюжетли-ролли ўйинлар, мулоқот.

БАХРИЕВА Н.А. ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СОЦИАЛЬНО-ЭМОЦИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

Социально-эмоциональное развитие дошкольников сегодня является одной из важнейших педагогических и психологических проблем. В статье представлены предварительные результаты и выводы исследования социально-эмоционального развития дошкольников на основе специальной методики.

Ключевые слова и понятия: социализация, социально-эмоциональное развитие, эмоциональное развитие, эмоциональный опыт, сюжетно-ролевые игры, общение.

BAKHRIEVA N.A. PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL PECULIARITIES OF SOCIAL AND EMOTIONAL DEVELOPMENT OF CHILDREN OF PRESCHOOL AGE

The social and emotional development of preschoolers today is one of the most important pedagogical and psychological problems. The article presents the preliminary results and conclusions of the study of the social and emotional development of preschoolers based on a special methodology.

Key words and concepts: socialization, social and emotional development, emotional development, emotional experience, role-playing games, communication.

Кириш. Яқин вақтларгача болаларда интеллектуал имкониятларни шакллантириш асосий педагогик вазифа бўлиб келди, бироқ, унинг ҳиссий олами, бошқа инсонлар билан муносабатини ташкил этиш, жамоада муваффақиятли фаолият кўрсатиш, ижтимоий кўникма ва малакаларни шакллантириш масаласига унча ҳам эътибор қаратилмади.

Президентимиз Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётгани ҳақида гапирди¹. Ушбу шиддаткор даврда боланинг эмоционал ривожланишига шахс яхлит ривожланишининг дастлабки таркибий қисмларидан бири сифатида қараш ва уни сифатли ривожлантириш масаласи устувор аҳамият касб этмоқда.

Бу босқичли педагогик жараён бўлиб, мазкур вазифани узлуксиз таълим тизими хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, мактабгача ёшдаги болалардан бошлаб амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Зеро, – “Мактабгача бўлган ёш – бола шахсининг жисмоний, психологик ва ижтимоий жиҳатдан шаклланишининг асосий давридир”². Мактабгача ёшдаги болаларда барча фаолиятлар асосан ўйин орқали амалга оширилишини назарда тутганда, ролли ва сюжетли ўйинлар, мусиқа машғулоти бу йўналишда катта имкониятларга эга эканлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Эмоционал тажриба ва қизиқишларга асосланган ҳолда боланинг турли фаолиятлар жараёнида билиш, англаш, аниқлаб олиш қобилияти шаклланади, турли эмоциялар мазмунини тушуниш ва ифодалаш, катталар кўмагида уларни дифференциациялаш, ўз эмоционал ҳолатини баҳолаш ва бошқариш амалга оширилади ва оламга, бошқа кишиларга, ўзига нисбатан эмоционал-позитив

муносабат шаклланади. Натижада боланинг жамоада ўзини эркин ҳис қилиши, бошқалар билан мулоқот қилиши ва муносабатга киришиши енгиллашади, ижодий имкониятларини намоён этиш учун шарт-шароитлар янада кенгайди.

Тадқиқотдан кўзланган **мақсад** мактабгача таълим ташкилотлари (МТТ) тарбияланувчиларининг ижтимоий-ҳиссий ривожланиши бўйича мавжуд ҳолатни ўрганиш ва самарали педагогик-психологик таклифлар тайёрлашдан иборат.

Мақола мавзуси бўйича изланишлар таҳлили.

Психологияда мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш бу йўналишдаги бой интеллектуал меросга бориб тақалади ва мумтозликка дахлдор Дюшен, Дарвин, Спенсер, Вундт ва бошқа кўпгина олимлар ишларида изчил ўрганилган³. Шунингдек, П.К.Анохин, В.К.Вилюнас, К.Э.Изард, С.Л.Рубинштейн, П.М.Якобсон, Л.И.Божович, Т.Э.Конникова, А.Н.Леонтев, В.С.Мухина ва бошқа тадқиқотчилар эмоциялар моҳияти, шахснинг умумий ривожланиши, ички позицияси намоён этилишида ахлоқий кечинмалар ролини тадқиқ этишган.

Мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий ҳиссий ривожлантириш устувор ва долзарб йўналишлардан бири бўлиб, ижтимоийлашув назариясини ишлаб чиқишга С.А.Беличева, И.С.Кон, П.О.Лебедев, В.С.Мерлин, А.В.Мудрик, Б.Д.Парыгин, В.Я.Ядов ва бошқаларнинг тадқиқотлари муҳим ҳисса бўлиб кўшилди. Ғарбий Европа ва Америка фанида ижтимоий тарбия муаммоси ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб тизимли тарзда ўрганиб келинмоқда (Ж.Дьюи, А.Маслоу, Т.Парсонс ва бошқ.). Бундан ташқари, В.Ф.Пирожков, М.Ю.Кондратьев, С.А.Беличева, А.И.Папкин ва бошқалар томонидан бажарилган болалар уйларида психик ривожланиш хусусиятлари борасидаги тадқиқотлари қизиқарлидир.

Ахлоқ ва маънавият эгаси бўлган инсонни тарбиялаш ва ривожлантириш мақсадларини, мазмуни ва воситаларини аниқловчи тарбия концепцияси (Е.В.Бондаревская, Т.И.Власова, Н.К.Карпова, И.Э.Куликовская, Р.М.Чумичева

¹ “Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор қўйилмоқда” // Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан. <https://kun.uz/news/2020/08/31/shavkat-mirziyoyev-ozbekistonda-yangi-bir-uygonish-uchinchi-renessans-davriga-poydevor-qoyilmoqda> Мурожаат қилинган сана: 11.10.2020.

² “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси УРҚ-595-сон Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.12.2019 й., 03/19/595/4160-сон. – 20 б. <https://lex.uz/docs/4646908>

³ Изард К. Теория дифференциальных эмоций. Электрон манзил. <https://www.psychology-online.net/articles/doc-631.html> Мурожаат қилинган сана: 13.10.2020.

ва бошқ.); шахслараро мулоқот ва муносабатларга тарбия жараёни мақсади сифатидаги қарашлар тузилмаси (В.С.Библер, В.А.Петровский ва бошқ.); ижтимоий муҳитда болалар мулоқотининг қадриятлар, ижтимоий меъёрлар, ҳаёт фаолияти қоидалари орқали намоён этилиши (В.И.Слободчиков, М.В.Осорина, Д.И.Фельдштейн ва бошқ.)га бағишланган тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Анохин Н., Астоянц М.С., Иващенко Г.М., Кибирева А.А. кабиларнинг ишлари менликни шакллантиришга йўналтирилган. Қатор тадқиқотчилар Т.В.Анохина, А.Г.Асмолов, Г.А.Берулава, А.К.Белюсова, И.В.Дубровина, М.В.Васильченко, И.Б.Котова, Л.В.Лидак, Л.А.Петровская, Т.П.Скрипкина, Т.Н.Щербакова ва бошқалар МТТ тарбияланувчиларининг ижтимоий ва ҳиссий ривожланишида ўз-ўзини баҳолашнинг муҳим ролини таъкидлашган. Боланинг ижтимоийлашувида муҳим ўрин тутувчи, мулоқот орқали намоён этиладиган, мактабгача ёшдаги болаларни йўналтирувчи аксиологик ёндашув (М.С.Каган, Е.В.Квятковский, Н.Б.Крылова, Н.И.Непомнящая, Тугаринов ва бошқ.) бўйича қатор тадқиқот ишлари бажарилган.

Мамлакатимиз тадқиқотчиларидан Н.Ш.Абдуллаеванинг "Мактабгача таълимни вариатив ёндашув асосида такомиллаштириш" (2019), Ш.А.Зокирхонованинг "Мактабгача ташкиллаштирилган таълим жамоаси болаларида тиш кариеси профилактикасини такомиллаштириш" (2018), Н.Х.Бегматованинг "Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг илмий-методик асослари" (2012), Ш.А.Содиқованинг «Мактабгача таълим» йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятига тайёрлаш" (2009), М.А.Абдуллаеванинг "Оилада мактабгача таълим ёшидаги болаларда эстетик тасавурларни шакллантириш" (2009), М.Р.Халилованинг "Мактабгача таълим муассасалари катта турух ёшидаги болаларда экологик тушунчаларини шакллантиришнинг педагогик асослари" (2006), Ф.Б.Валихўжаеванинг "Талабаларни мактабгача таълим муассасаларида болаларга эстетик тарбия беришга тай-

ёрлаш" (2005)¹ каби йўналишларда тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Шунга қарамасдан, айнан мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш масаласи алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаганлигини таъкидламоқчимиз.

Тадқиқотнинг дастлабки босқичида эришилган **илмий янгиликлар** шундан иборатки:

1) мавзу доирасидаги илмий манбалар ва мавжуд илмий тадқиқот ишлари илк бор таҳлилий ўрганилди;

2) МТТ тарбияланувчилари ижтимоий-ҳиссий муҳитининг мавжуд ҳолати ва ривожланиши динамикаси, шунингдек, ҳиссий ривожланиш жараёни хусусиятлари ўрганилди;

3) МТТ тарбияланувчиларида "Мен-концепция" намоён этилишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари қиёсий ўрганилди;

4) мактабгача ёшдаги болалар ижтимоий-ҳиссий ривожланишининг мавжуд ҳолати М.А.Панфилованинг "Кактус" график методикаси² ва В.Г.Шурнинг "Зинапоя" методикаси³ орқали экспериментал ўрганилди ва унинг паст даражада эканлиги исботланди.

Тадқиқот объекти мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида ижтимоий-ҳиссий ривожланганлик намоён этилиши.

Тадқиқот субъекти. Дастлабки экспериментал жараёнга Бухоро шаҳридаги 3-, 10-, 12-, 15-сон, Ромитан туманидаги 10-, 12-сон, Навоий шаҳридаги 8-, 13-сон МТТларнинг 102 нафар тарбияланувчилари жалб этилди.

Тадқиқотда: 1) МТТ тарбияланувчиларида эмоционал ривожланишнинг мавжуд намоён этилиши динамикаси; 2) мактабгача ёшдаги болаларда "Мен-концепция" – ўзликни англаш, ўз-ўзини баҳолашнинг ифодаланиши даражалари махсус проектив ҳамда график методикалар воситасида ўрганилди ва тегишли педагогик-психологик хулосаларга эришилди.

Мақоланинг асосий қисми. Тадқиқотнинг дастлабки босқичида МТТ тарбияланувчиларининг эмоционал ривожланиши даражаларини М.А.Панфилованинг "Кактус" чизма (график)

¹ База данных научных работ. Информационная библиотечная система Узбекистана <http://diss.natlib.uz/uz-Cyrl-UZ/Search/Query?page>

² Образовательная социальная сеть <https://nsportal.ru/nachalnaya-shkola/psikhologiya/2019/02/22/metodika-m-a-panfilovoy-kaktus>

³ Учителя.com. Учительский портал. <https://uchitelya.com/pedagogika/139363-metodika-lesenka-vg-schur.html>

1-жадвал. МТТ тарбияланувчиларида позитив эмоционал ҳолат даражаси, йўналганлиги ва интенсивлигининг намоён этилиши динамикаси (n = 102)

№	Мезонлар	Қизлар n = 52	Ўғил болалар n = 50	Жами	%
1.	Намойишкорлик, очиқлик – шаклнинг ноанъанавийлиги, бўртма ўсган қисмлар мавжудлиги	20	22	42	41,2
2.	Оптимизм – ёрқин рангларнинг қўлланилганлиги	21	18	39	38,2
3.	Латофатлилик (дид) – безаклар, ранглар, майин чизиклар, шаклларнинг мавжудлиги	20	21	41	40,2
4.	Экстравертлашганлик – бошқа кактуслар, гулларнинг борлиги	22	21	43	42,2
5.	Уйни ҳимоя қилишга интилиш – гултувакнинг мавжудлиги	20	18	38	37,3
	Ўртача				39,8

методикаси ва В.Г.Шурнинг "Зинапоя" методикаси орқали ўргандик.

М.А.Панфилованинг "Кактус" график методикаси боланинг эмоционал ҳолатини, унда мавжуд агрессия даражасини, йўналганлиги ва интенсивлигини аниқлашга йўналтирилган. Диагностик методика график тарзда амалга оширилади, бунда методика талабига кўра болалар рангли қаламлар воситасида кактус расмини чизишлари сўралади, чизиш жараёнида ҳеч қандай қўшимча савол ва жавобларга йўл қўйилмайди. Чизиш учун вақт лимити белгиланмайди. Натижаларни қайта ишлашда расмларнинг чизилиши услубига асосланиб хулосаларни тайёрлашга эришдик.

"Кактус" чизма (график) методикаси асосидаги экспериментал тадқиқот натижаларига кўра болаларда эмоционал ривожланиш даражаси анча паст бўлиб, умумий ижобий кўрсаткичлар ўртача 39,8 фоизни ташкил этди (1-жадвалга қаранг). Жумладан, "экстравертлашганлик" мезони бўйича 42,2%, "намойишкорлик, очиқлик" мезони бўйича натижалар 41,2% бўлиб, респондентларда энг паст кўрсаткич "уйни ҳимоя қилишга интилиш" мезони бўйича 37,3% даражасида намоён бўлди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, юқори даражада намоён этилиши лозим бўлган "оптимизм" 38,2%, "латофатлилик (дид)" мезони бўйича респондентлар атиги 40,2 фоизни ташкил этди, холос.

Нисбатан энг юқори негатив эмоционал реакция сифатидаги "импульсивлик" мезони бўйича натижалар 73,5%ни, "боғлиқлик, ишончсизлик" мезони бўйича эса 69,6%ни ташкил этганини кўриш мумкин (2-жадвалга қаранг). Энг паст салбий эмоционал ҳолатни акс эттирувчи "агрессия" мезони бўйича нати-

жалар 42,2% бўлди. Бу айрим ҳолатларда болаларнинг ўзини бошқаришида қийналиши, жадал ва ўйламасдан айрим ҳатти-ҳаракатлар қилиб, кейин унинг нотўғри эканлигини англаши билан боғлиқдир.

"Давлат талабларида «Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш» қуйидаги кичик соҳаларга бўлинади: 1) "Мен" концепция; 2) ҳиссиёт ва уларни бошқариш; 3) ижтимоийлашув, катталар ва тенгдошлар билан мулоқот"¹.

"Илк қадам" давлат дастурида эса, - "Ижтимоий-эмоционал ривожланиш" соҳасидаги ўқув-тарбиявий фаолият якунига етганидан сўнг 6-7 ёшли бола: ўз ҳиссиётлари ва ўзгаларнинг ҳиссиётларини фарқлайди ва уларга мос равишда жавоб беради"². Биз ҳали ушбу маррага етиб олмадик. Мактабгача ёш даври болада социумга нисбатан ижтимоий-ҳиссий ривожланишнинг дастлабки босқичи сифатида намоён бўлади. Зеро, - "Айнан эмоциялар билиш жараёнларини, ҳаракатлар характерини бошқаради"³.

Эксперимент натижаларига асосан, мактабгача ёшдаги болаларда ўзи ва бошқаларнинг ҳиссий ҳолати борасидаги тасаввурларнинг мавжудлиги анча паст даражада эканлиги аниқланди. Шундан, болалар орасидаги

¹ "Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари"ни тасдиқлаш ҳақидаги Мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 3 июлдаги 3032-сон буйруғи. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.07.2018 й., 10/18/3032/1450-сон. – 8 б. Электрон манзил: <https://lex.uz/docs/3805404>

² Грошева И.В. ва бошқ. "Илк қадам" Мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури. - Т., 2018. - 60 б. Электрон манзил: <http://kutubxona.ada.uz/kutubxona/3ilkqadamozbek240818pdf.pdf>

³ Попова С.В. Социально-эмоциональное развитие детей в условиях детского сада. / «Молодой ученый», №50 (184), 2017. - С.260-262.

2-жадвал. МТТ тарбияланувчиларида салбий эмоционал ҳолат, мавжуд агрессия даражаси, йўналганлиги ва интенсивлигининг намоён этилиши динамикаси (n = 102)

№	Мезонлар	Қизлар n = 52	Ўғил болалар n = 50	Жами	%
1.	Агрессия – тиканларнинг мавжудлиги, тиканлар узун-узун ва яқин жойлашган	17	24	43	42,2
2.	Импульсивлик – узук-узук чизиқлар кучли босим билан чизилган	30	45	75	73,5
3.	Эгоцентризм – катта расм қоғознинг ўртасида чизилган	29	34	63	61,8
4.	Боғлиқлик, ишончсизлик – кичик расм қоғознинг пастки қисмида чизилган	31	40	71	69,6
5.	Ёпиқлик, эҳтиёткорлик – контури бўйлаб ёки кактус ичида эгри чизиқларнинг жойлашганлиги	30	31	61	59,9
6.	Хавотирланиш – қоронғу ранглارнинг қўлланилганлиги, узук-узук чизиқлар	31	32	63	61,8
7.	Интровертлашганлик – фақатгина бир дона кактус ифодаланган	29	37	66	64,7
8.	Ёлғизликка интилиш – ёввойи кактус расми чизилган	23	26	49	48,0
	Ўртача				60,2

айрим бир-бирини тушунмаслик, бир-бирига қўмаклашиш ҳисининг нисбатан пастлиги каби негатив хатти-ҳаракатлар намоён этилиши ҳолатлари кузатилишини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Экспериментда 61,8% респондентлар "эгоцентризм" мезонига хос характер ва ўзини тутиш хоссаларини белгилашди ва уларнинг меъёрдан юқори даражадаги ўзини-ўзи баҳолаш хусусиятига эга эканлигидан далолат беради. "Хавотирланиш" мезонини ҳам 61,8% синалувчилар белгилашган ва хавотирланиш даражасининг уларда нисбатан юқорилигини намоён этди. Бу мазкур болалар фаолиятида ўзига, ўзининг интеллектуал ва ижодий имкониятларига нисбатан ишонч ҳисси маълум даражада пастлигидан дарак бермоқда.

Шунингдек, "интровертлашганлик" 64,7%, "ёпиқлик" 59,9%, "ёлғизликка интилиш" 48,0%, "агрессия" мезони бўйича натижалар 42,2% даражада намоён бўлди.

В.Г.Шурнинг «Зинапоя» методикаси орқали катта мактабгача ёшдаги болаларнинг ўзини-ўзи баҳолаши, яъни, уларда "Мен-концепция" намоён этилиши даражасини ўргандик. Методикани амалга оширишда болаларга чизилган зинапоя сурати, қалам ва қиз ҳамда ўғил болаларнинг қирқилган кичик суратлари берилиб, унда ўзи туришни хоҳлаган пиллапояни белгилаш сўралди¹. Эмпирик натижалар

¹ Учителя.com. Учительский портал. Электрон манзил: <https://uchitelya.com/pedagogika/139363-metodika-lesenka-vg-schur.html> Мурожаат қилинган сана: 21.09.2020.

кўрсатишича, синалувчиларнинг 24,5 фоизи "асоссиз юқори (ортирилган)" ва "ортирилган" ўзига-ўзи баҳолар қўйишди (3-жадвалга қаранг)



Респондентларнинг 14 таси (13,8%) эса ўзларига "паст" баҳо беришди. Фақатгина 37,2% респондентлар ўзларига "ҳақиқий" баҳо беришди. Мазкур методика асосида эришилган эмпирик кўрсаткичлар мактабгача ёшдаги болаларнинг ўзини-ўзи баҳолаши, яъни, уларда "Мен-концепция" намоён этилиши даражаси анча паст эканлигини яна бир бор исботлади.

Болаларни ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш бўйича мавжуд ҳолатни экспериментал ўрганиш якунида барча асосий эътибор қаратиш зарур бўлган методик жиҳатларни аниқлаштиришга эришдик. Шу асосда мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш учун тайёрланган махсус

3-жадвал. Мактабгача ёшдаги болаларда ўзини-ўзи баҳолаш динамикасининг намоёни этилиши даражалари (n = 102)

№	Мезонлар	Қизлар n = 52	Ўғил болалар n = 50	Жами	%
1	Асоссиз юқори (орптирилган) ўзига-ўзи баҳо бериш	13	12	25	24,5
2	Орптирилган ўзига-ўзи баҳо бериш	13	12	25	24,5
3	Ҳақиқий баҳо	20	18	38	37,2
4	Паст баҳо	6	8	14	13,8
	Жами	52	50	102	100

дастурни олинган янги маълумотлар билан такомиллаштиришга киришдик.

Жумладан, "Цирк, цирк, цирк" сюжетли ўйинида болалар уйларидан юмшоқ ўйинчоқлар (мушук, кучук, от, қуён, айиқ) олиб келишади ва цирк томошаси ўйлаб топишади ёки "Марҳамат қилинг ва ёқимли иштаҳа" сюжетли ўйинида болаларнинг бир қисми меҳмонларга, бошқалари уй эгаларига айланишади. Бу ўйин ёрдамида муомала ва мулоқот, этикет қоидаларидан бошлаб, совғани қандай қабул қилиш ва меҳмонларни қандай кузатишга бўлган малакалар шакллантирилади¹.

Олинган натижалар асосида қуйидаги педагогик-психологик хулосаларга эришдик:

- кучли ижтимоий тараққиёт шароити мактабгача ёшдаги болаларга ўз таъсирини кўрсатиб, жиддий эмоционал синовларга дуч келишига сабаб бўлаётир, бу эса болалар эмоционал оламининг ривожланишини орқага суриши мумкин;

- болаларни ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш бўйича мавжуд дастур ва методик материаллар ҳозирги кунда янада такомиллаштиришни тақозо этади;

- уйда ва мактабгача таълим ташкилотида амалга оширадиган барча фаолиятларида болалар кўпинча ўзларининг қувонч, маъюслик, ҳайрат, айбдорлик каби эмоцияларини тўғри кўрсата олмайдилар, шу билан бир қаторда бошқа болаларнинг эмоцияларини ҳам тўғри баҳолашда қийналадилар. Бу эса кўп ҳолларда болаларнинг тенгдошлари ва катталар билан мулоқотга киришиб, муносабат

ўрнатишларини тўғри ташкил эта олмасликларига сабаб бўлмоқда;

- ҳозирги кунда болаларнинг телевизор, компьютер, интернет ва мобил алоқа воситалари оламига қизиқиб киришиб кетиши натижасида катталар ва тенгдошлари билан нисбатан оз муносабатда бўлиши кузатилаётир, мазкур вазиятлар болаларнинг бошқалар ҳиссий ҳолатига нисбатан паст даражада, бефарқ муносабат билдириши ҳолатларига олиб келмоқда.

Таклифлар:

- мактабгача ёшдаги болаларда барча фаолиятлар асосан ўйин орқали амалга оширилишини назарда тутганда, ролли ва сюжетли ўйинлар ижтимоий-ҳиссий ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши мумкин;

- ота-оналар фарзандларига кўпроқ вақт ажратишлари зарур, чунки, илк болалик даврида ижтимоий ҳаётга олиб киришда оиланинг таъсири беқиёс;

- куйланган ёки тингланган қўшиқ, ўқиб берилган эртақ, шеър ва ҳикоялар асосида болалар билан биргаликда инсценировкалар яратиш ижобий аҳамиятга эгадир.

Демак, ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш – мактабгача ёшдаги болаларни турли фаолият ва хулқ-атвор кўринишларининг ажралмас қисми сифатида тизимли ривожлантиришни тақозо этади.

Мухтасар айтганда, мактабгача ёшдаги болалар билан ташкил этиладиган турли фаолиятлар, сюжетли-ролли ўйинлардан ташқари, таклиф этилаётган махсус методика асосида машғулотларни амалга ошириш орқали улар ўз ҳиссиётларини, ҳаракатларини бошқариш, ўзлари, яқинлари, тенгдошлари, оиласи ва жамият аъзолари билан муносабатга киришиш кўникмаларини янада чуқурроқ ўзлаштирадилар.

¹ Детский сад и ребёнок. Сюжетные игры в детском саду. Примеры. Электрон манзил: https://deti-club.ru/igri_v_kotorie_igrat_deti Мурожаат қилинган сана: 12.10.2020.

Адабиётлар рўйхати:

1. "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-595-сон Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.12.2019 й., 03/19/595/4160-сон. – 20 б. Электрон манзил: <https://lex.uz/docs/4646908> Мурожаат қилинган сана: 8.10.2020.

2. "Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор қўйилмоқда" // Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан. Электрон манзил: <https://kun.uz/news/2020/08/31/shavkat-mirziyoyev-ozbekistonda-yangi-bir-uygonish-uchinchi-renessans-davriga-poydevor-qoyilmoqda> Мурожаат қилинган сана: 11.10.2020.

3. Изард К. Теория дифференциальных эмоций. Электрон манзил: <https://www.psychology-online.net/articles/doc-631.html> Мурожаат қилинган сана: 13.10.2020.

4. База данных научных работ. Информ. библиотечная система Узб-на. Электрон манзил: <http://diss.natlib.uz/uz-Cyrl-UZ/Search/Query?page>

5. Образовательная социальная сеть. Электрон манзил: <https://nsportal.ru/nachalnaya-shkola/psikhologiya/2019/02/22/metodika-m-a-panfilovoy-kaktus> Мурожаат қилинган сана: 6.10.2020.

6. Учителя.com. Учительский портал. Электрон манзил: <https://uchitelya.com/pedagogika/139363-metodika-lesenka-vg-schur.html> Мурожаат қилинган сана: 11.10.2020.

7. "Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари"ни тасдиқлаш ҳақидаги Мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 3 июлдаги 3032-сон буйруғи. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.07.2018 й., 10/18/3032/1450-сон. – 8 б. <https://lex.uz/docs/3805404>

8. Грошева И.В. ва бошқ. "Илк қадам" Мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури. - Т., 2018. - 60 б. Электрон манзил: <http://kutubxona.adu.uz/kutubxona/3ilkqadamozbek240818pdf.pdf>

9. Попова С.В. Социально-эмоциональное развитие детей в условиях детского сада. / «Молодой ученый», №50 (184), 2017. - С.260-262.

10. Учителя.com. Учительский портал. Электрон манзил: <https://uchitelya.com/pedagogika/139363-metodika-lesenka-vg-schur.html> Мурожаат қилинган сана: 21.09.2020.

11. Детский сад и ребёнок. Сюжетные игры в детском саду. Примеры. Электрон манзил: https://deti-club.ru/igri_v_kotorie_igraut_deti Мурожаат қилинган сана: 12.10.2020.